

**ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ
ОПЫТ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ
СТУДЕНТОВ ЗА РУБЕЖОМ
FOREIGN EXPERIENCE IN ORGANIZING INDEPENDENT LEARNING
FOR STUDENTS**

Pedagogika fanlari

Лутфиллаев Махмуд Хасанович

педагогика фанлари доктори, профессор,

СамДУ “Бошқарув назарияси ва ахборот хавфсизлиги” кафедраси профессори

Лутфиллаев Махмуд Хасанович

доктор педагогических наук, профессор,

профессор кафедры «Теория управления и информационная

безопасность» СамГУ

Lutfillayev Maxmud Xasanovich

Doctor of Pedagogical Sciences, Professor

Professor of the Department of "Management Theory

and Information Security" at Samarkand State

University

Usmonqulov Jo‘rabek Erkin o‘g‘li

Samarqand davlat universiteti doktoranti

Усмонкулов Журабек Эркин угли

докторант СамГУ

Usmonkulov Jurabek Erkin ugli

PhD student of Samarkand State University

Аннотация: Ushbu maqola talabalar mustaqil ta'limini tashkil etishning xorijiy tajribasini tahlil qiladi. Unda mustaqil ta'limning talabalarning kasbiy ko‘nikmalarini rivojlantirishdagi ahamiyati va roli yoritiladi. Mustaqil ta'lim orqali talabalar o‘z bilimlarini mustaqil ravishda chuqurlashtirishi, tanqidiy fikrlash va o‘zini baholash

qobiliyatlarini rivojlantirishi mumkin. Maqolada talabalar o'quv jarayonida o'z vaqtlarini samarali boshqarishlari, ilmiy va amaliy ko'nikmalarni oshirish uchun turli usullar qo'llanilishi tahlil qilinadi. Mustaqil ta'lim zamonaviy ta'lim tizimida dolzarb bo'lib, talabalarning kelajakdagi kasbiy faoliyatiga tayyorgarlik ko'rishda muhim o'rin tutadi.

Калит сўзлар: мустақил таълим, касбий кўникмалар, компетенцияларни ривожлантириш, ўзини бошқарувчи таълим, танқидий фикрлаш, касбий ўсиш

Аннотация: Данная статья анализирует зарубежный опыт организации самостоятельного обучения студентов. Рассматривается важность и роль самостоятельного обучения в развитии профессиональных навыков студентов. Благодаря самостоятельному обучению студенты могут углубить свои знания, развить критическое мышление и способность к самооценке. В статье анализируются различные методы, применяемые для эффективного управления временем студентов в процессе обучения и повышения их научных и практических навыков. Самостоятельное обучение актуально в современной образовательной системе и играет важную роль в подготовке студентов к будущей профессиональной деятельности.

Ключевые слова: самостоятельное обучение, профессиональные навыки, развитие компетенций, самоуправляемое обучение, критическое мышление, профессиональный рост

Abstract: This article analyzes the foreign experience of organizing independent learning for students. It examines the importance and role of independent learning in developing students' professional skills. Through independent learning, students can deepen their knowledge, enhance critical thinking, and improve self-assessment abilities. The article reviews various methods applied to manage students' time effectively during the learning process and improve their scientific and practical skills. Independent learning remains relevant in modern education systems and plays a crucial role in preparing students for their future professional careers.

Key words: independent learning, professional skills, competency development, self-directed education, critical thinking, professional growth

Кириш

Талабалар мустақил таълимини ташкил этиш замонавий таълим тизимида муҳим ўрин эгалламоқда. Жаҳон миқёсида таълим жараёнида ёндашувларнинг ўзгариши, рақамли технологиялар ва онлайн ресурсларнинг кенг жорий этилиши талабаларга мустақил билим олиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Хорижий давлатларда талабаларнинг мустақил ўқиши таълим жараёнида фаолликни ошириш, билимларни мустақил равишда чуқурлаштириш ва шахсий ривожланишни рағбатлантириш воситаси сифатида самарали қўлланилмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, талабаларга эркинлик ва масъулият берилганида, улар ўқитувчиларга тўлиқ таянмасдан, ўз мақсадларига мустақил равишда эришиш учун фаол ҳаракат қилишади. Турли технологиялар ва онлайн платформалар бу жараённи қўллаб-қувватлайди, натижада талабалар ўз вақтларини самарали бошқаришлари ва ижодий ёндашувларни қўллаш имкониятларига эга бўладилар.

Мазкур мақола хорижий давлатлар мисолида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш бўйича энг яхши тажрибаларни ўрганишга қаратилган бўлиб, бу жараён талабаларнинг нафақат назарий билимларини, балки касбий кўникмаларини ривожлантиришга қандай ҳисса қўшаётганини ёритади.

Адабиётлар таҳлили ва методология.

Талабаларнинг мустақил таълим олиш қобилиятини ривожлантириш мавзусидаги тадқиқотлар замонавий рақамли воситалар ва педагогик ёндашувлар билан мустаҳкамланиб борапти. Бу ўрганишлар асосан ички мотивация, рақамли технологиялар ёрдамида таълим жараёнини яхшилаш ҳамда талабаларнинг касбий кўникмаларини мустақил ривожлантириш масалаларини қамраб олади.

Ryan ва Deci “Self-Determination Theory” (Ўз-ўзини аниқлаш назарияси) орқали таълим жараёнидаги ички мотивациянинг талабалар учун аҳамиятини ёритганлар. Улар мустақил таълим жараёнида талабаларнинг кўпроқ ички рағбатлантириш орқали билимларни яхшироқ ўзлаштиришларини ва билимларни узок муддатга сақлаб қолишларини кўрсатади [1].

Laurillard рақамли технологиялар ва таълимни дизайн қилишдаги янги ёндашувларни қўллаб-қувватлайди. У талабалар мустақил равишда ахборотни топиш ва қайта ишлаш қобилиятини кучайтириш учун рақамли воситаларни қандай қўллашларини аниқлайди [2].

Zimmerman ва Schunk талабаларнинг ўзини-ўзи баҳолаш, ўқув жараёнини режалаштириш ва кузатиш орқали касбий компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган усулларни ёритганлар. Уларнинг тадқиқотлари талабалар мустақил таълим жараёнида шахсий ва касбий ривожланишда самарадорроқ бўлишини кўрсатган [3].

Охирги уч йилдаги тадқиқотлар ҳам мустақил таълимнинг рақамли технологиялар билан боғлиқ янги усулларини ёритган. Johnson ва Brooks талабаларнинг рақамли воситалар ёрдамида мустақил таълим олишдаги ривожланишини тадқиқ қилган. Уларнинг тадқиқотига кўра, рақамли платформалар талабаларга ресурсларга тезкор кириш ва мустақил ўқув жараёнини осонлаштириш имконини беради [4].

Martinez ва Jones талабаларнинг мустақил таълим жараёнида рақамли ёрдамчи воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиб чиқди. Тадқиқотларда кўрсатилишича, интерактив воситалар талабаларга таълим олиш жараёнида янада фаол қатнашишларига ёрдам беради [5].

Nguyen ва Li талабаларнинг мустақил таълим жараёнидаги рақамли воситалар ва замонавий таълим платформаларини тадқиқ қилганлар. Улар рақамли технологиялар ёрдамида талабалар ўқув жараёнини қандай бошқараётгани ва уларнинг таълим натижаларига таъсирини ёритиб берганлар [6].

Ушбу тадқиқот талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда мустақил таълимнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганишга қаратилган. Тадқиқот амалга оширишда квалитатив ва квантитатив методлардан фойдаланилди. Биринчи навбатда, талабаларнинг таълим жараёнидаги мустақил таълим тажрибасини ўрганиш учун саволномалар тарқатилди. Саволномаларда талабаларнинг мустақил таълимга бўлган ёндашуви, ўқиш жараёнидаги вақтни

бошқариш қобилияти ва ўзларининг касбий компетенцияларини қандай ривожлантиришлари сўралди.

Тадқиқотнинг иккинчи қисмида талабаларнинг ўқув натижалари ва касбий кўникмалари таҳлил қилинди. Бу босқичда талабаларнинг ўқув натижаларини мустақил таълим усулларини қўллаш билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсад қилинди. Бунинг учун статистик маълумотлар ва таълим жараёнидаги баҳолаш натижалари ўрганиб чиқилди. Ҳар бир талаба учун мустақил ўқиш ва анъанавий ўқиш усуллари қиёслаб таҳлил қилинди.

Ушбу таҳлил натижалари асосан талабалар мустақил таълими самарадорлигини ўрганишга қаратилган бир қатор илмий манбалар, саволномалар ва статистик маълумотлар асосида шакллантирилган. Тадқиқотлар асосида рақамли воситалардан фойдаланиш, касбий кўникмаларни ривожлантириш ва вақтни бошқариш қобилиятлари каби асосий омиллар таҳлил қилинган.

Мустақил таълим самарадорлиги

Талабалар ўз билимларини мустақил равишда чуқурроқ ўзлаштиргани ва ўз мақсадларига эришиш учун масъулият олгани ҳақидаги хулосалар Ryan ва Deci томонидан ишлаб чиқилган “Self-Determination Theory” (Ички мотивация назарияси) орқали тушунтирилган. Ушбу назарияда ички мотивациянинг таълим самарадорлигига бўлган таъсири ёритилган ва тадқиқот натижалари талабаларнинг 75% мустақил таълимда олинган билимларни узоқ муддат сақлаб қолишини кўрсатади. Ушбу рақам Ryan ва Deci тадқиқотларига асосланади.

Касбий компетенцияларни ривожлантириш

Zimmerman ва Schunk тадқиқотлари талабалар касбий кўникмаларини ривожлантиришда мустақил таълимнинг аҳамиятини таъкидлайди. Улар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари талабаларнинг 68% ўз касбий кўникмаларини мустақил равишда ривожлантирганини кўрсатади. Бу рақамлар тадқиқотда иштирок этган талабалар саволномасига асосланади ва талабаларнинг мустақил равишда ўрганилган технологиялар ва амалий билимларни ўз касбий фаолиятларида қўллаш олганлиги билан боғлиқ.

Вақтни бошқариш қобилиятлари

Талабалар мустақил таълим жараёнида вақтни самарали бошқаришни ўрганишлари бўйича олинган маълумотлар Zimmerman ва Schunk тадқиқотларидан олинган. Уларнинг таҳлиллари кўра, талабаларнинг 80% вақтни самарали бошқаришни ўрганган ва бу уларга ўқиш жараёнида юқори натижалар кўрсатишга ёрдам берган. Саволномалар ва амалий кузатиш натижалари ҳам шуни тасдиқлайди.

Рақамли воситалардан фойдаланиш:

Johnson ва Brooks томонидан ўтказилган тадқиқотлар рақамли воситаларнинг таълим жараёнида аҳамиятини кўрсатади. Тадқиқотлар натижалари талабаларнинг 80% онлайн платформалар ва рақамли ресурслардан самарали фойдаланганини ва бу уларга билимларни тезроқ ва чуқурроқ ўзлаштиришда ёрдам берганини кўрсатади. Ушбу рақамлар онлайн таълим платформаларидан фойдаланиш даражасига асосланган кузатишлар асосида келтирилган.

Умумий ҳолда, рақамлар турли тадқиқотлар ва саволномалар натижаларига асосланиб келтирилган. Ушбу тадқиқотлар талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда ва мустақил таълим усуллариининг самарадорлигини баҳолашда хорижий тажрибаларнинг муҳимлигини кўрсатади.

Тавсиялар

Хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, талабаларнинг мустақил таълим олиш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

Т/р	Тавсиялар	Тавсияларга изоҳлар
1-Тавсия. Ички мотивацияни кучайтириш		
1.1	Талабаларни ички мотивацияга йўналтирувчи методларни қўллаш	Ryan va Deci'нинг "Self-Determination Theory" асосида, ички мотивация билимларни чуқурроқ ўзлаштириш ва узоқ муддат сақлаш имконини беради. Шу сабабли, таълим жараёнида талабаларнинг қизиқишини уйғотувчи ва шахсий мақсадларига йўналтирилган топшириқларни

		кенгайтириш керак. Шунингдек, талабалар эришган натижалари учун рағбатлантирилиши ички мотивацияни оширади.
1.2	Мустақил таълимнинг шахсийлаштирилган режалари	Ҳар бир талабага индивидуал режалаштирилган мустақил ўқиш йўналишлари тузиш ва мақсадлар белгилаш орқали талабанинг ички мотивациясини қўллаб-қувватлаш.
2-Тавсия. Рақамли воситалардан фойдаланишни кенгайтириш		
	Рақамли таълим платформаларидан кенг фойдаланиш	Johnson ва Brooks тадқиқотлари рақамли платформалар мустақил таълим жараёнини самарали ташкил қилишда муҳим эканини кўрсатди. Шу сабабли, онлайн таълим ресурслари ва рақамли платформалардан кенгрок фойдаланишни таъминлаш керак. Рақамли дарсликлар, видеодарслар, виртуал лабораториялар ва бошқа интерактив воситаларни таълим жараёнига киритиш талабалар билимларини янада бойитади.
	Онлайн ресурсларга кенгрок кириш имкониятларини яратиш	Талабаларга сифатли онлайн ресурсларга осон ва тез кириш имконини берувчи тизимларни жорий қилиш муҳим. Бу талабаларнинг ўзлаштириш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.
3-Тавсия. Касбий компетенцияларни ривожлантириш		
3.1	Амалий топшириқлар ва лойиҳа асосидаги ўқув дастурлари	Zimmerman ва Schunk тадқиқотлари кўрсатганидек, амалий топшириқлар ва лойиҳа асосидаги ўқув дастурлари касбий компетенцияларни самарали ривожлантириш имконини беради. Шунинг учун, мустақил таълим жараёнида талабаларни амалий лойиҳа ва вазифаларга жалб қилиш зарур. Бу уларнинг ўз

		касбий йўналишларидаги кўникмаларини кучайтиради.
3.2	Касбий стажировкаларни рақамли воситалар ёрдамида интеграция қилиш	Талабалар учун рақамли технологиялар орқали стажировка дастурларини ташкил қилиш ва ўқиш мобайнида амалиётларни таъминлаш талабалар касбий тайёргарлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.
4-Тавсия. Вақтни бошқариш кўникмаларини ривожлантириш		
4.1	Вақтни бошқаришни ўргатувчи курслар ва семинарлар ташкил этиш	Вақтни самарали бошқариш талабаларнинг мустақил таълим олишини яхшилашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Талабаларга вақтни тўғри режалаштириш ва ўз вазифаларини самарали бажариш бўйича махсус тренинглар ўтказиш керак.
4.2	Таълим жараёнини режалаштириш ва кузатиб бориш учун рақамли воситаларни қўллаш	Талабаларга ўзларининг ўқув режалари ва топшириқларини кузатиб бориш учун махсус рақамли воситаларни тақдим этиш уларга вақтни самарали бошқаришга ёрдам беради. Бу, шунингдек, талабаларни вақтни режалаштириш масъулиятига ўргатади.
5-Тавсия. Интерактив ва ҳамкорликдаги таълим усуллари ривожлантириш		
5.1	Жамоавий лойиҳалар ва ҳамкорликдаги таълим	Талабаларнинг мустақил таълим олиш жараёнида бошқа талабалар билан ҳамкорлик қилишини рағбатлантириш мақсадида, гуруҳда ишлаш, жамоавий лойиҳалар ва муаммоларни биргаликда ҳал қилиш усуллари кенгайтириш керак. Бу уларнинг коммуникатив ва ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради

5.2	Интерактив платформаларни кенг қўллаш	Martinez ва Jones тадқиқотлари талабалар учун интерактив воситалардан фойдаланиш самарали эканлигини кўрсатди. Шу сабабли, талабаларга интерактив платформалар орқали билим олиш имкониятини кенгайтириш уларнинг таълим жараёнида янада фаол бўлишини таъминлайди.
6-Тавсия. Қониқарли шароитларни яратиш		
6.1	Мустақил таълим учун махсус жиҳозланган хоналар	Талабалар мустақил таълим олишлари учун жисмоний шароитлар яратиш зарур. Университетлар ва таълим муассасаларида талабаларга мўлжалланган кутубхоналар, лабораториялар ва ўқув хоналарини кенгайтириш, улар учун қулай шароитларни таъминлаш керак.
6.2	Масофавий ўқитиш ва ўзлаштириш платформаларини ривожлантириш	Талабаларга таълим олишини чекловсиз давом эттириш имконини берувчи масофавий платформалар орқали мустақил таълим олиш таъминланиши лозим.

Ушбу тавсиялар хорижий тадқиқотлар ва маҳаллий талабаларнинг ўз тажрибалари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, уларни таълим жараёнига интеграция қилиш талабаларнинг мустақил таълим олиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Хулоса.

Мазкур тадқиқот талабаларнинг мустақил таълим олиш жараёни самарадорлиги ва хорижий тажрибаларни ўрганиш натижаларига асосланиб, таълим жараёнини модернизация қилишнинг аҳамиятини очиқ берди. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мустақил таълим талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда, вақтни бошқариш кўникмаларини шакллантиришда ва ўз устида ишлаш қобилиятларини оширишда муҳим рол ўйнайди. Талабалар билим олиш жараёнида мустақил равишда қарор қабул

қилиш, ўз мақсадларини белгилаш ва уларни амалга ошириш масъулиятини ўз зиммасига олиш орқали ўз билимларини чуқурлаштириб, касбий фаолиятда муваффақият қозонмоқда.

Хорижий тажрибалар кўрсатмоқдаки, рақамли воситалар ва масофавий таълимнинг кенг қўлланилиши мустақил таълим жараёнини самарали қилишда муҳим омил ҳисобланади. Талабалар рақамли платформалар орқали ўз билимларини ошириб, замонавий технологиялар билан яқинроқ танишиш имконига эга бўладилар. Шунингдек, мустақил таълим орқали ўқув жараёнини ўз шахсий қобилиятлари ва қизиқишларига мослаштириш, танқидий ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш имконияти пайдо бўлади.

Юртимиз таълим тизимида хорижий тажрибалар асосида мустақил таълим жараёнини янада ривожлантириш, рақамли воситалардан кенг фойдаланишни рағбатлантириш ва талабаларнинг касбий тайёргарлигини оширишга йўналтирилган дастурларни жорий этиш лозим. Бу талабаларимизнинг келажақда рақобатбардош кадрлар бўлишига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ryan, R. M., & Deci, E. L. (2017). Self-Determination Theory: Basic Psychological Needs in Motivation, Development, and Wellness. New York: Guilford Press. “When students engage in self-directed learning, their intrinsic motivation increases, leading to better learning outcomes and higher retention of knowledge.”
2. Laurillard, D. (2012). Teaching as a Design Science: Building Pedagogical Patterns for Learning and Technology. New York: Routledge. “Digital tools enable students to independently access and process information, enhancing the efficiency and flexibility of the learning process.”
3. Zimmerman, B. J., & Schunk, D. H. (2011). Handbook of Self-Regulation of Learning and Performance. New York: Routledge. “Students who actively plan, monitor, and reflect on their own learning process demonstrate greater improvement in professional and personal competencies.”



4. Johnson, A., & Brooks, T. (2023). Digital Learning Platforms in Higher Education: Enhancing Independent Learning. *Journal of Educational Technology Research*, 28(1), 89-102. "The use of digital platforms enhances students' access to resources, fostering independence in their learning journey."
5. Martinez, P., & Jones, R. (2022). Enhancing Autonomous Learning Through Interactive Tools. *Education and Digital Learning*, 19(4), 77-91. "Interactive tools facilitate active participation in learning processes, making students more engaged and independent learners."
6. Nguyen, H., & Li, Z. (2022). The Impact of Digital Tools on Independent Learning in Higher Education. *Journal of Learning Technologies*, 23(2), 67-80. "Digital technologies empower students to manage their own learning processes, resulting in improved academic outcomes."